



ISHONCSH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 4 апрел, жума № 54 (1479)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2003 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлири талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунара билим юртлири ўқувчиларининг стипендиялари 1,20 баравар оширилсин.

2. 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи - ойига 5440 сўм; ёшга доир пенсиялар - ойига 10765 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд - ойига 5440 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 10765 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - ойига 6520 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўйиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2003 йил 1 майдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминлансинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларининг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йилнинг 1 январидан бошлаб даромад (фойда)дан олинмайдиган солиқ 24 фоиздан 20 фоизга, давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий ажратмалар меҳнат ҳақи фондидан 40 фоиздан 37,2 фоизга камайтирилганлиги муносабати билан бўшайдиган маблағларни мана шу мақсадларга йўналтириш ҳисобидан 2003 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширилсинлар.


7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3101-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 апрел

ХОРИЖИЙ САРМОЯ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг Тошкент анжуманига тайёрларик доирасида ушбу тадбир воқеаларини ёритиш учун ташкил этилган матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилоти алоқалар агентлиги раиси Элёр Ганиев билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учрашуви бўлиб ўтди. Бу галги матбуот анжумани Ўзбекистонга бевосита хорижий сармоя жалб этишининг янги имкониятларига бағишланди.



Evropa Tiklanish va Taraqqiyot Banki

ЕТБ анжуманини ўтказиш учун Тошкентнинг танлангани ушбу банк стратегиясида шарқий мамлакатлардаги фаолият камровини кенгайтириш йўналиши тобора муҳим ўрин тутаётганидан далолат беради, албатта. ЕТБ раҳбарияти Марказий Осиё мамлакатларининг улкан салоҳиятига кенг ҳалқаро жамоатчилик, айниқса молиявий тузилмалар эътиборини қаратишга қатъа аҳамият беради. Минтақамизнинг маркази

зий давлати бўлмиш Ўзбекистон эса нафақат иқтисодий соҳада, балки хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳам Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларини ривожлантириш, ҳамкорликни мустаҳкамлашда етакчи давлат ҳисобланади.

Шу ўринда айрим маълумотларни келтириб ўтсак, 2002 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган хорижий сармоя ҳажми 650 миллион АҚШ долларини ташкил

эти. Хориж сармоясининг умумий ҳажми эса 14 миллиард долларга етган.

Ўзбекистон дунёдаги 120дан зиёд мамлакат билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириб келмоқда. Юртимизда хориж сармояси иштирокида тузилган 3 мингдан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 20 фоиздан ортиги тўлалигича хори-

жий шериклар ҳисобида бунёд этилган. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, қўшма корхоналар фаолияти савдо-тижоратдан ишлаб чиқариш томон йўналмоқда. Масалан, ҳозир уларнинг 80 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида машғул.

Бунда мамлакатимиз ҳукумати юритаётган сўбсатнинг ўрни муҳим, албатта. Ўзбекистонда хорижий сармоя жалб қилишда, унинг маблағ ёки акция шаклидан кўра, замонавий техника ва технология, бошқарув, маркетинг, хобилар малакеси каби омилларга аҳамият берилди. Яъни, аввало ишлаб чиқаришнинг ривожланган мамлакатлардаги сингари яхлит тизимини вужудга келтириш муҳимдир.

(Давоми 2-бетда).



Самарқанддаги «Самарқанд ЛТД» Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонаси айни кунда 5 турда макарон, қандолат, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. 100 нафар ишчи меҳнат қилаётган ушбу корхонада маҳсулот сифати алоҳида аҳамият қаратилган. Бу эса маҳсулотларнинг харидоригар бўлишини таъминламоқда.

Суратда: (ўнгдан ўчинчи) корхона раҳбари Фаридун Ҳамроқулов ишчилар даврасида.

Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.


ҲИММАТ

Яккабоғлик тадбиркор Эшқувват Ашуров кам таъминланган оилаларнинг 27 нафар фарзандига сунат тўйи қилди ҳамда уч юз нафар кам таъминланган оилани Наврўз байрами дастурхонига таклиф этди.

Тўй болаларнинг ҳар бири учун банкдан ҳисоб рақами очиб, уч минг сўмдан маблағ қўйилди.

Шу кунги бутун маҳалла аҳли худди оға-инидек бир жойга жам бўлди, хурсандчиликларини баҳам кўришди.

Ишни жувозчиликдан бошлаган Эшқувват Ашуров бугун эл таниган тадбиркор, қўша-қўша корхоналар эгаси. Унинг момик ишлаб чиқариш фабрикаси, ферма, иссиқхоналарида олтишдан ошмиқ ишчи меҳнат қилди. Ҳадемай, «Яккабоғтекс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишга тушган, яна икки юздан ортиқ киши иш билан таъминланди.



Мурувват

ишлашди. Шу боисдан ҳам корхона раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси болалардан қўлларидан келган ёрдамни аяшмаяпти. Хусусан, улар Наврўз байрами арафасида келиб болаларга совғасалом улашишди.

Ўзбекистон машинасозлик ва тоғ-металлургия саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг масъул ходимлари ҳам кунни-кеча келиб ҳомийлик ёрдами кўрсатдилар.

Меҳр бор жойда дард чекинади, деб бежиз айтишмаган. Биз Бекобод шаҳридаги «Саховат» болалар богчасининг иш фаолияти билан танишган, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Н.РАФИКОВ, «Ишонч» мухбири.

Бекобод шаҳридаги икки қаватли мўъжазгина бинодан Каттагина ховли саҳнида эса бир гуруҳ тарбияланувчилар хордик чиқаришмоқда. Шу пайт ичкларидан оқ халатли бир аёл чиқиб келди. Узини «Саховат» болалар богча-мактабининг мудараси Александр Зотова, дея таништирди. Дастлаб, у билан «Саховат»нинг ташкил этилиши ҳақида сўхбатлашдик.

МЕХР БОР ЖОЙДА...

«Киаденек» меҳр-мурувват жамғармасининг республикамизда фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт мобайнида кўп ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди, - дея ўз сўзини бошлади А.Зотова. - 2000 йилнинг бошларидан мазкур жамғармининг вакиллари Бекобод шаҳридаги ногирон болаларни тарбиялаб, бир вақтнинг ўзида доловайдиган маскан очиб истагини билдиришди. Шаҳар ҳокимияти ҳам бу хайрли ишни қўллаб-қувватлади. Ижтимоий таъминот бошқармаси ва бошқа ташкилотлар кўмағида 40 нафарга яқин туғма ногирон болалар манзиллари аниқланди.

Мана шу богча биноси ҳам қаровсиз аҳволга келиб қолган. Яхшилаб таъмирдан чиқарилди. Айни вақтда бу ерда ногирон болаларга ўқитувчи-тарбиячилар, шифокорлардан иборат 20 нафар мутахассис хизмат кўрсатмоқда. Озиқ-овқат таъминоти, ишчи-хизматчиларга тўланадиган маош ва шу каби барча харажатлар жамғарма томонидан амалга оширилмоқда.

Болалар тарбияланаётган хоналарни айландик. Туртта гуруҳда олти ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болалар машғулот ўтказишяпти.

- Тарбияланувчиларимизнинг барчаси Бекобод

ЖОН ҲЁРБСТ:

«ХАЛҚАРО КОАЛИЦИЯНИНГ МАҚСАДИ АНИҚ ВА ТУШУНАРЛИ»

Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланганига икки ҳафта бўлди. ЎЗА мухбири АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Жон Ҳёрбст билан сўхбати шу мавзуга бағишланди.

Халқаро коалициянинг ҳаракатлари учун ҳуқуқий асослар етарли ва аниқ, - дейди элчи. - 1991 йили Ироқ билан БМТ ярашув ҳақида хужжат имзолаган ва урушга барҳам берилган. Ушундан БМТ Бағдод олдига қатор талабларни қўйган. Яъни, Ироқ БМТ билан ҳамкорлик қилиб, ўзидан барча оммавий қирғин қуролларидан воз кечиши керак эди. Ушбу воқеадан кейин БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироққа нисбатан 17 та резолюция қабул қилди. Охириги 1441 резолюция бундан тўрт ойча аввал қабул қилинган эди. Ушбу резолюцияларнинг барчасида Ироқдан қуролсизланиш талаб қилинган. Бироқ, Ироқ ушбу ҳужжатларнинг бирортасига ҳам амал қилмади. Ироқнинг бундай йўл тутishi халқаро коалиция ҳарбий ҳаракатларни бошлашига ҳуқуқий асос бўла олади.

Ушбу операция Ироқни қуролсизлантириш учун бошланди. Чунки, у 12 йил давомида қуролдан воз кечмади. Мазкур ҳарбий операциядан қўзланган яна бир мақсад Ироқ халқини Саддам Хусайн тузумидан озод қилишдир.

Уруш ҳаракатлари бошлангани арафасида халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаётган давлатлар ўттизга яқин эди. Яқинда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл баёнот бериб, коалицияни қўллаб-қувватлаётган мамлакатлар сони ҳозир олтишдан ошганини айтди...

Ироқ масаласи кўп баҳсларга сабаб бўлган маълум. Бир томондан АҚШ, Буюк Британия, Испания ва бошқа давлатлар Ироқни қуролсизлантириш учун ҳарбий чора кўриш тарафдори бўлди. Иккинчи томондан, қатор давлатлар бунга қарши чиқди. Ҳарбий операция бошланган, халқаро коалициянинг мақсадини тўла тушуниб етган, уни қўллаб-қувватловчи мамлакатлар сони ортди.

Шу ўринда бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон билан АҚШ хавфсизлик борасида жуда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда мамлакатимиз Президентини Исло

Каримовнинг улкан ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этмоқ керак. Ўзбекистон билан АҚШнинг кўп масалаларда қарашлари ҳам ҳамоҳанг. Ўзбекистон анча йиллардан буюн халқаро террорчиликка қарши курашиб келади ва бу борада АҚШ билан ҳамкор-

ликда кўп ишларни амалга оширди.


Саддам Хусайн ҳокимиятдан четлаштирилгандан кейин Ироққа қай даврада ва қанча вақтда очик демократик жамият шаклланади, деб ўйлайсиз?

Мақсадимиз аниқ ва тушунарли. Саддам Хусайн тузуми агардиргандан кейин Ироқда очик ва демократик тамойилларга асосланган жамиятни, янги давлатни кўришдир. Биз Ироқнинг худудий яхлитлиги сақлаб қолиниши ва барча фуқаролар, миллатидан қатъи назар, тинч ва оқойишта яшашининг тарафдоримиз.

Уруш ҳаракатларини ёритаётган оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳақида нима дея оласиз?

Айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситалари воқеаларга ҳолис ёндашмаяпти. Масалан, улар жамоатчилик диққат-эътиборини Ироқда тинч аҳоли қурбон бўлаётганига қўпроқ қаратишга ҳаракат қилмоқда. Масаланнинг туб сабаблари ва моҳиятидан кўз юмаяпти. Мисол учун, Ироқ ҳарбийлари тинч аҳоли яшайдиган биноларга, касалхоналарга жойлашиб олган. Демак, Саддам Хусайннинг ўзи тинч аҳоли бомбардимон қилинишини истади.

ЎЗА мухбири Саидмурод РАХИМОВ сўхбатлашди.



(ЎЗА).

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕХНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

Мустақиллик йилларида Фарғона вилоятидаги «Кварц» акционерлик жамияти ҳар томонлама ривожланиши. Цехлар замонавий технология ва бошқа зарур жиҳазлар билан таъминланди. Фан ютуқлари, илгорлар тажрибаси амалиётга кенг жорий этилди. Махсулот хили кўпайиб, улар Марказий Осиё давлатларида ҳам экспорт қилинмоқда.

Корхона касабани уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, қўлай шарт-шароитлар яратиш, сидкидилдан ташаббус кўрсатиб ишлаётганларни муносиб рағбатлантириш юзасидан аниқ тadbирларни амалга оширмоқда. Сўнгги йилларда спортнинг оммавийлигини таъминлаш, саломатлик маскани фаолиятини намунали йўлга қўйишга эришилганлиги иқтисодий натижаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Кўйида мухбиримиз С.Аъзамова тайёрлаган мақолаларда шулар хақида атрафлича гап боради.

МИЛЛИЙ ҒУРУР ҚАЛБАДА ЖЎШ УРСА

Ҳар кунги ўзимга қадрдон бўлган файзли йўлдан сеvimли корхонам томон одимларканман, одамларга зимдан назар ташлайман. Уларнинг кайфияти аёло, қалби яшаш, яратиш ишчи билан жўшаётганлиги қиёфаларидан сезилиб турибди. Табиийки, ҳар бир инсон қандайдир яшашман, ким билан ишлашман, ҳаётда қандайдир из қолдирман, дея ўзига ўзи савол беради. Ишончим комил, ақсарият ишчи-хизматчиларимизнинг ушбу саволларга жавоби тайин ва ижобий. Боиси, ҳамма ҳаваас қиладиган, энг зарур махсулотлар ишлаб чиқараётган, яхши машоқбилан таъминланган корхонада фаолият юртишмоқда.

Ҳозирги кунда асосий цехимизда 29 хил шиша идиш ҳамда юқори сифатли ойналар ишлаб чиқарилмоқда. Савдо пештахталарида йил бўйи турли ҳажмдаги шишаларда ноз-неъматлар, сотилаётганлигида корхонамиз

мехнатчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Биз идишларни иложи борича сифатли, бежирим тайёрлашга ҳаракат қилаёмиз. Цехларимиз озода, унумли ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўз касбининг усталари жараёнини моҳирлик билан бошқариб боришади. Узро талабчанлик, изланиш ҳамда рационализаторлик тақлифларининг шарофати туфайли иқтисодий самара юксалиб бормоқда. Бир ишчининг ўртача ойлик маоши 66 минг сўмни ташкил этаяпти.

Кайфият яхши бўлса, миллий ғурур қалбада жўш урса, инсон қўли мўжизалар яратади. Корхонанинг жўшқин ҳаётини кузатиб, бу сўзларни қатъий тарзда айтаман. Авваллари ички эҳтиёж учун ишлаб чиқарилган, юқори даражадаги иссиқликка дош берадиган махсус гиштар четдан келтирилган эди. Омилкор кишиларнинг изланиши ва ташкилотчилиги туфайли энди бу керакли махсулот ўзимизда тайёрланаёпти. Шунинг ўзидан қанчадан қанча маблағ тежалди.

Корхона маъмурияти, касабани уюшма кўмитаси инсон омиллига

этиборни йил сайин қучайтирмоқда. Меъёрий ҳужжат - жамоа шартномаси шартлари деярли тўла бажариб келинмоқда. Буларнинг ҳаммаси кишилар ўртасида меҳроқибатни, ўз корхонаси билан фахрланиш ҳиссини қучайтирмоқда.

Р.ЮСУПОВ, бош мутахассис. ЭНГ МУХИМИ, САЛОМАТЛИК

Инсон унумли меҳнат қилиши учун аввало саломатлиги мустаҳкам бўлиши керак. Корхонамизда барча жараён ажойиб технология ва ақли машиналар ёрдамида амалга оширилади. Бироқ, кишидан катта куч, масъулият талаб қиладиган участкалар ҳам оз эмас. Масалан, юқори даражадаги иссиқлик ёнида ишлашнинг ўзи бўлмайти. Шу боис касабани уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларини муҳофазалашга алоҳида эътибор бермоқда. Мақсадга эришишда даволаш-соғломлаштириш марказининг роли катта бўлмоқда. Шиша маскани гойта кўркам, дов-дарахтлар билан ўрлан-



ган, баҳор ва ёз ойларида анвойи гуллар барқ уради. Агар бирон ишчи республикадаги бирон-бир санаторийда дам олиш тақлиф этилса, у иккиланмай ўзимизда, соғломлаштириш марказида дам оламан, дея жавоб беради.

Боиси бу ерга энг замонавий медицина асбоб-ускуналари келтирилган. 70 нафарга яқин тиббиёт ходимлари сидкидилдан меҳнат қилмоқдалар. Марказда давлолаш ўринлари 100 тага етказилди. Бош ҳақим Маъмуржон Турғуналиев муолажаларнинг вақтида, кўнгилдагидек амалга оширилиши, тайёрланаётган таомларнинг сифатли ва мазали бўлиши устидан доимий назорат ўрнатган. Маданий тadbирларни ўтказиш анъанага айланган.



Шиша масканида бой китоб фондига эга бўлган кутубхона мавжуд. Саломатликка оид мавзуларда савол-жавоблар ўтказилмоқда. Эътиборлиси шуки, корхонанинг ҳар бир ишчиси ўзи истаган пайтда да-

лар учун қарийб 27 миллион сўм, кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун 35 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилганлиги барчани қувонтирди. Наврўз байрами тантаналари ажойиб ўтди. Қувасой шаҳар ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда тadbирлар изчил амалга оширилди. Тантаналарда жами 1200 киши қатнашган бўлса, уларнинг кўпчилиги корхонага катта меҳнати сингган, хозирда ҳам ўзини сафда деб биллиб, ёшлар тарбияси, маҳаллалар ободончилигига муносиб ҳисса қўшиб келаятган табаруқ инсонлар эди. Бизда ҳар бир байрам, ҳар бир тadbирда фахрийларга алоҳида эътибор, меҳрибонлик кўрсатилади. Уларга турли неъматлар, эсдалик совгалари топширилади.

Спортга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бу борада алоҳида тadbирлар ишлаб чиқилган. Корхонамизда тош кўтариш, армейслинг, узунликка сақраш мусобақалари доимий ўтказиб турилади. Уларда ақсарият цехларнинг вакиллари иштирок этади. Ўз спорт базамиз борлиги ишчи-хизматчиларни барча тadbирларга тобора кўпроқ жалб этиш имконини бермоқда.

Корхона касабани уюшма кўмитаси асосий цехлар ишчиларининг тақлифини инobatла олиб, мини фут-



бол, волейбол, баскетбол, шохмат-шашка бўйича мусобақаларни ҳар йили ташкил этмоқда. Фолиблар алоҳида совринларга эга бўлишар-япти.

Бизда аёллар катта куч. Уларнинг унумли ишлашлари йўлида маблағ аямаяпти. «Соғлом танда-соғ ақл» шiori остида ўтказилаётган кўрик-танловларда аёлларимиз нимага қодир эканликларини намoён этишмоқда. Энг муҳими, ҳар бир сайёҳаракат кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш, кайфиятини яхши-лаш, пировазд натижада иш унумдорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Д.БАЗИРАШВИЛИ, спорт нозир. УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Корхона маъмурияти, касабани уюшма кўмитаси ёшларни анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор бермоқда. Мазнавий марказида ўтказиладиган навоийонлик кечасида кўпдан-кўп йигит-қизларимиз иштирок этишади. Улар Навоий газалларидан баҳраманд бўладилар. Ҳозирги кунда маҳаллаларга катта эътибор берилмоқда. Корхона касабани уюшма кўмитаси белгиланган тadbирларга кўра «Уч авлод учрашуви»ни ўтказди. Шаҳар маънавият ва маърифат маркази раҳбари Т.Уринбоев, масжид имом хатиби Алишер Хожи Наимов ва бошқалар ўзбекистон Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармони инсонпарварлик, бағрикенглик тимсоли эканлиги хусусида тўхтадилар. Узининг тажрибасизлиги, ишонувчанлиги оқибатида ярамас оқимларга қўшилиб қолган баъзи ёшларнинг тавба-тазарууси, уларнинг ўз хатоларини тушуниб, ҳаётда тўғри йўлни танлаб олганликлари ҳаётини мисоллар орқали баён этилди.

Маънавият маркази мутасаддилари яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Икки йилдирик, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва қадриятларимизни улуғлашга оид кўрик-танловлар, кечалар бўлиб ўтмоқда.

Б.ҲАСАНОВ, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.



КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА САМАРАЛИ УЛУШ

«DONI» хусусий фирмаси «Ташаббус-2003» кўрик-танловининг «Энг яхши тadbиркор» йўналиши бўйича фолиб деб топилди. Фирма юқори навали ва сифатли уруғлар етиштириш, қайта ишлаш ва янги уруғ навлари яратишга алоҳида эътибор бермоқда.

Корхона кишлоқ хўжалик уруғларини қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш мақсадида «Петкурс К-218», «Петкурс К-531 Гигант», «Петкурс-форшит К-590» ва «Холлер» ускуналари билан жиҳозланган, - деди фирма директори Рифат Мейербеков. «Туркистон-пресс» мухбирига. Корхонада махсулотларни сақлаш ва сотиш учун омборхона ва дўконлар бор. Жумладан, Сирдарё вилоятининг Янгиер, Гулистон, Сирдарё ва Бахт шаҳарларида фирманинг энг сара ва сифатли уруғ махсулотларини дехқонларимиз, фермер хўжаликчлари ва ҳар хил турдаги тармоқларига етказиб беради. Фирмада ўн беш турдаги экнингнинг 38 хил нави бўйича уруғ етиштириб берилади. Жумладан, помидорнинг олти хил нави, сабзининг турт хил, қарамнинг уч хил, тарвуз ва қовун уруғларининг турли навлари тайёрланади. Утган йили корхонамиз 35 минг АҚШ доллари миқдорига импорт ва 16 минг АҚШ доллари миқдорига кишлоқ хўжалик уруғлари экспорт қилди.

«DONI» фирмасининг республика вилоятлари бўйича ўз дистрибуторлари-Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Фарғона, Термизда, шунингдек АҚШ, Германия, Дания, Россия, Украина, Қозғистон, Озарбайжон давлатларида ўз ҳамкорлари мавжуд.

Тошкентдаги «Интерконтиненталь» мехмонхонасида «Interfood Uzbekistan-2003» учинчи халқаро кўргазмаси очилди.

Унда 12 давлатдан 30 дан ортиқ компания ўзи ишлаб чиқараётган озиқ-

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

овқат махсулотлари, ичимликлар, ярим тайёр махсулотлар, саноат асбоб-ускуналари, қадоқлаш технологияси, музлатгич асбобларини намойиш этмоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат саноатининг кўплаб тармоқлари изчил ривожланмоқда. Махсулотларни қайта ишлаш технологияси тармоғи эса озиқ-

овқат саноатининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Республикада хўл мевани қайта ишлаш, гўшт-сут, қандолат, нон ҳамда макарон махсулотларини тайёрловчи кўплаб корхоналар ишлаб турибди. Бундан ташқари, тамаки ва вино ишлаб чи-

қариш соҳасига ҳам кенг ўрин берилган. Кўргазмада чанқовбосди ичимликлар, маъдани сувлар, турли хилдаги шарбатлар намуналари намойиш этилмоқда.

4 апрелгача давом этадиган кўргазма ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо уюшмалари ўртасида узро ҳамкорлики йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Чустдаги Пансада деб аталувчи маҳалла дехқон ва кийим-кечак бозори, хўнармандлар участкалари билан машҳур. Маҳалладаги 900 тадан ортиқ хонадонда қарийб беш минг киши истикомат қилади. Обод маҳалла йилида маҳалла фуқаролар йиғини кўчаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ижтимоий, маданий-маиший объектларни қуриш, янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган бир қатор тadbирларни режалаштирган. Ушбу хайрли ишга хусусий тadbиркорлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ЛАБИСОЙ ЧИРОЙ ОЧДИ

Фуқаролар йиғинининг маҳалла тadbиркорлари билан ҳамкорлиги натижасида Лабисой кўчасида маҳалла гузарни барпо этилди. Янги гузар маҳаллага ўзгача кўрк бағишлади.

Ушбу ишларни хусусий тadbиркор Одилжон Муллажонов бошлаб берди. У ишлаб топган маблағларини жонажон маҳалласини ободонлаштиришга сарфлашга қарор қилди. Тadbиркор маҳалладаги эски чойхона ўрнида қисқа вақт ичида 150 ўринга мўлжалланган умумий овқатланиш мажмуи, новвой-хона, қандолатчилик цехи ва гўшт дўконини қурди. Шунингдек, гузарга олиб келадиган йўллар ободонлаштирилди, маҳалла кўчаларини дехқон бозори билан туташтирувчи янги кўприк барпо этилди. О.Муллажонов ушбу ишларга 20 миллион сўмдан ошмиқ маблағ сарфлади.

Шу билан бирга, Обод маҳалла йилида хусусий тadbиркорлар ва жамoат ташкилотларининг молиявий кўмагида Пансадада стадион, шифокорлик пункти, ёшлар кафеси, қатор савдо ва маиший объектлар барпо этилади. Бундан ташқари, янги ишлаб чиқариш цехлари ва хўнармандлик устаноналарида юзлаб ёшлар доимий иш билан таъминланади.

МАҲАЛЛА МАВКЕИ ЮКСАЛМОҚДА

«Обод маҳалла» йили муносабати билан Бухоро вилоятида маҳалла ва кишлоқ фуқаролар йиғинларини ривожлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда вилоят оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Бебит Жумаев «Туркистон-пресс» мухбирига кўйидагиларни айтди:

Бугунги кунда 372 та фуқаролар йиғинлари ушбу тadbирларга жалб этилган. Уларнинг ҳисоб рақамларида коммунал хизматлар қарзларини узиш учун маблағлар кўчирилмоқда. 2002 йилда вилоят бўйича 233 миллион сўм маблағ кўчирилган. Бухоро шаҳрининг ўзида газдан фойдаланувчи кам таъминланган оилалар, ногиронлар қарзларини узиш учун 16 миллион сўм маблағ сарфланади.

Фуқароларни ўз-ўзини бошқариш идоралари етимлар, шунингдек, каровези қарилар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш масалалари билан шуғулланишмоқда. Масалан, 2002 йилда вилоятда ёш оналар, кам таъминланган оилалар ва қарияларга 5 миллиард сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди, - деди Б.Жумаев.

ХОРИЖИЙ САРМОЯ ЖАЛБ ЭТИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, мамлакатимизда ўз-ўзига сармоя ётқизиш ҳам фаолаштириб бормоқда. 2002 йилда турли соҳаларга киритилган умумий сармоянинг 27 фоизи корхоналарнинг ўз ҳисобидан бўлди. 2003 йили бу кўрсаткич 40 фоизга етиши кутилмоқда. Шунинг баробарида ишлаб чиқариши маҳаллийлаштиришга эътибор қучайтирилмоқда. Масалан, автомобильсозлик соҳасида маҳаллийлаштириш кўрсаткичи 52 фоизга етди.

Айни пайтда мамлакатимизда умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ долларига тенг 87 сармоявий лойиҳани ўз ичига олувчи давлат дастури амалга оширилмоқда. Шунинг 30 фоизи бевосита хорижий сармоя ҳисобланади.

Хукуматимизнинг минтақаларда қўшимча имтиёз ва қулайликлар билан хорижий сармосия иштирокида қўшим корхоналар тузиш дастури тadbиркорлар учун янги имкониятлар очди. 2005 йилгача амал қилиши мўлжалланган бу дастур яхши самара бермоқда. Бугунги кунгача ўзбекистон минтақаларида 152 қўшма корхона тузилди. Хорижий сармоядорларга яна 140 корхона тузиш тақлифи берилган.

ЕТБнинг Тошкент анжумани шу жиҳатдан ҳам ўзбекистон ишбилармонлари учун янги имкониятлар очди. Зеро, 60 мамлакатдан расмий делегация, халқаро молия ташкилотлари, йирик тижорат банклари, фирма ва компаниялар раҳбарлари иштирок этадиган тadbир янги қўшма лойиҳалар тузиш учун энг қўлай фурсатдир.

Тошкент анжумани расман 4-5 май кунларида белгиланган бўлса-да, кўплаб бошқа тadbирларга бой

бўлгани учун бирмунча узок давом этади. Жумладан, 3 май кунини ўзбекистоннинг сармоя жалб қилиш имкониятларига бағишланган анжуман режалаштирилмоқда. Унда мамлакатимизда устувор ҳисобланган иқтисодиёт соҳаларининг тақдими бўлиб ўтади. Ушбу тadbир иқтисодий ҳамкорлик, аввало, хорижий сармосия жалб қилиш масалаларини очиб ва эркин муҳома қилиш имконини беради.

Ўзбекистон - бой минерал-ҳомашё базаси, юқори ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятига эга мамлакат. Иқтисодийнинг бевосита хорижий сармосия киритиш мумкин бўлган соҳалари талайгина. Жумладан, фойдали қазилмаларни ўрганиш ва ўзлаштириш, бу борада илмий-техникавий тараққий суръатини ошириш ҳамда захирано тежаш технологияларини татиб этиш, агросаноатни ривожлантириш, кишлоқ ҳужа-лигида унумдорлиқни ошириш, махсулотни имкон қадар сўнгги босқичга қайта ишлаш соҳалари устуворлик касб этмоқда. Булар сирасига қайта ишланадиган пахта толаси ва ипак микдорини ошириш, тайёр махсулотни қўлайтириш, телекоммуникация тизимлари ва ақдорот технологияларини таркомиллаштириш, қурилиш саноатини ривожлантириш, транспорт инфраструктурасини замонавийлаштириш ва раванқ топтириш, кичик ва ўрта бизнес секторини кенгайтириш, сайёҳликни тараққий эттириш масалаларини қўйиш мумкин.

Ўзбекистоннинг сармосия жалб қилиш имкониятларига бағишланган анжуманда хусусийлаштириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, банк-молия тизимини ислох этиш ва ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилади. Ушбу тadbир арафасида 2 май кунини Ўзбекистон иқтисодиётидаги етакчи тармоқлар, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес фаолиятига доир кўргазма ташкил этилади. Яъни, бирга ишлаш истагидан бўлган хорижий сармосиядорлар музокара бошлашдан аввал мамлакатимизнинг салоҳияти билан бевосита танишиш имконига эга бўлади.

6-8 май кунлари эса Буюк Британиянинг «ITE Group plc» компанияси билан ҳамкорликда нефт-газ саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференция ва кўргазма ўтказиш режалаштирилган. Унда хориждаги элликдан зиёд компаниядан вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

ЕТБ анжуманининг расмий дастури эса Бошқарувчилар кенгашининг ялпи мажлиси ҳамда Бизнес форумдан иборат. Бизнес форумнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда ЕТБ операциялари амалга оширилаётган 27 мамлакат иқтисодий салоҳиятининг тақдими бўлади. Ҳар бир тақдимо бевосита амалий мулоқотлар орқали иқтисодий ислохотлар ва тараққий тажрибаси билан ўртоқлашиш, сармосиявий лойиҳалар тузиш ва савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг янги имкониятларини ўрганишга йўл очади.

Шунингдек, сармосия муҳитини ривожлантириш, минтақавий савдо ва глобаллашув, муваффақиятли бизнес юритиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, сув захиралиридан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш мавзуларида бир нента семинар режалаштирилмоқда.

ЕТБ билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлашдан иборат эканини назарда тут-

ган ҳолда, ушбу банк ва Швейцариянинг иқтисодий алоқалар бўйича давлат қотибяти ҳамда Ўзбекистон тижорат банклари ва сугурта компаниялари томонидан кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги энг яхши лойиҳага танлов эълон қилинган. Унда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган барча янги сармосиявий лойиҳалар муаллифлари иштирок этиши мумкин. Танлов натижаси ЕТБ анжумани чоғида эълон қилинади. Фолиб фақат кредит билан чекланмайди, балки уни олиш шартлари яхшиланади, қимматли совгалар ва бепул сугурта хизмати кўрсатилиши таъминлайдиган сертификат берилади.

Бошловчи бизнесменларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ЕТБ томонидан Марказий Осиё мамлакатларининг 200 нафар тadbиркорига Тошкент анжумани доирасидаги тadbирларда бепул иштирок этиш имконияти ҳам яратилди. Шунинг ҳам тақдидлаш жоизки, меҳмонлар мунозар ва муҳокамаларда қатнашиш баробарида, узро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг мўайян масалалари борасида шериклари билан икки томонлама музокара ҳам ўтказиши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ЕТБ анжумани улкан минтақда савдо-иқтисодиёт ва сармосия соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, олтимишдан зиёд мамлакатнинг молиявий ташкилотлари ва ишбилармон доиралари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон иқтисодиётига янада кўп сармосия жалб қилиш учун янги имкониятлар яратиши билан гоят муҳимдир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

Миннатдорчилик

ТАДБИРКОРЛАР ТАШАББУСИ

Юртимизда қариялар ҳамisha эъзозда. Оққўрғон тумани ижтимоий таъминот бўлимида 9807 нафар пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 118 нафари ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кишилардир. Қарияларга ижтимоий таъминот бўлимининг 16 нафар ходими хизмат кўрсатиб келмоқда. Парваришга муҳтож кишилар турли маҳсулотлар, дори-дармон билан бепул таъминланапти.

Наврўз байрами кунларида туманимиздаги тadbirkор ва ишбилармонлар пенсионерларга ҳомийлик қилиш ташаббуси билан чиқди. Улардан «Нафисфорум» хусусий корхонаси раҳбари Нафиса Қосимова, «Покиза - М» фермер ҳўжалиги бошлиғи Абдумалик Каримов, «Ўзбекистон» шirkатлар уюшмаси раиси Эргаш Ниёзов, тadbirkор Шеркул Қодиров, Гофиржон Буюков кабилар ўз маблаглари ҳисобидан қарияларга қимматбаҳо совға-салом улашган бўлса, «Гулистон» шirkат ҳўжалиги кам таъминланган икки хонадон аъзоларига ҳўжалик тасарруфиданг эски биноларни таъмирлаб, улар иктириб топширди.

Тadbirkорлар саховати фақат шу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Айна пайтда туманимиз тасарруфидан юз билан юзлашган 25 нафар нурунийлар истиқомат қилади. Ўтган йилдан эътиборан ишбилармонлар ана шу пиру бадавлат инсонлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий мадад бериб туришни ҳам ўз зиммаларига олишган. Умуман, юртимизда тadbirkорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очилганиги ишлаб чиқаришни ривожлантириш қаторида саховатли сaъй-ҳаракатларга ҳам имкон яратаяпти. Обод маҳалла йили муносабати билан уч жойда қариялар чойхонасини қуриб, фойдаланишга топшириш оққўрғонлик тadbirkорларнинг навбатдаги режасида турибди.

Ш.МИРЗАКАРИМОВА,
Оққўрғон туман ижтимоий таъминот бўлими мудир.



Бандлик дастури — амалда

380 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Ургач шаҳрида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасининг кўзланган мақсадга эришилди. Унда шаҳардаги барча ишлаб чиқариш корхоналари қаторида тadbirkор ва ишбилармонлар, қўшма корхоналар, туманлардаги ҳўжаликлар ҳам фаол иштирок этишди. Тadbirkор натижасида 380 нафар фуқаро иш билан таъминланди. 40 нафар киши янги соҳалар бўйича малака оширишга ва қайта ўқитишга жалб этилди ҳамда 36 нафар ёшлар эса қисқа муддатли курсларга юборилди.

— Меҳнат ярмаркасининг ташкил этилганлиги оиламиз учун ҳам жуда қувонarli бўлди, — дейди К.Хоразмий кўчасида истиқомат қилувчи саксон ёшли нафақахўр Рустам ота Худойберганов. — Негаки, уч нафар фарзандим бир йилдан буён тайинли иш тополмай, анча қийналиб юрганди. Мана шу тadbirkордан сўнг фарзандларимга доимий ишлаш учун шaroит яратилди.

Ўз уйинг, ишхонанг ва севган касбинг бўлишига нима етсин!

А.КОДИРБЕГАНОВ.



Ислоҳот одимлари

ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

«Гулистон» шirkат ҳўжалиги аҳолисининг кўпчилиги ва ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришaётганлиги билан Андижон туманидагина эмас, вилоятда ҳам салмоқли ўринлардан бирида туради. Яқинда бу ерда яна бир хайрли ишга кўл урилди.

Шirkат маъмурияти сaъй-ҳаракати билан қурилган Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси мавжуд ишсизлик муаммосига барҳам берди. Айна пайтда қишлоқ ҳўжалигидан бўшаган 200 нафардан зиёд киши иктисослаштирилиб, иш билан таъминланди. Эндиликда корхонада ишлаб чиқарилаётган ун ва ун маҳсулотлари фақат вилоятдагина эмас, республикамизда ҳам ўз харидорларини топапти.

Бундан ташқари шirkатда ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш масаласи ҳам доимо диққат-эътиборда. Икки йил аввал ҳўжалик тежалган фойда ҳисобидан ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигида «Болалар - 2000» ишлаб чиқариш корхонасига асос солганди. Ҳамкорликдаги дастурнинг дастлабки самараси чакки эмас. Хозир бу корхонада вилоятнинг кўп

туманларидан ногирон болалар жалб этилган. Улар бу ерда ўқиб, илм ўрганиш қаторида турли хилдаги рўзгорбоп маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаришмоқда.

— Мақсадимиз иктисодни ривожлантириб, одамларни фойдали меҳнатга жалб этишдан иборат, — дейди шirkат ҳўжалиги бошқаруви раиси Абдумажид Абдуҳакимов. — Агрорасноат мажмуи ривожлангани сари айрим ҳўзийи нуқсонларимиз ҳам юзага чиқаяпти. Масалан, қишлоқ ҳўжалиги машиналарини мукамал ўзлаштирган ёш техникларга муҳтожлик сезилмоқда. Шу боис ҳўжаликнинг машина-трактор парки қосида техника бошқарувчиси ва хайдовчиларни тайёрлаш курсларини ташкил этиб, ўз маблагимиз ҳисобидан ёшлардан 40 нафарини ўқитаяпти.

Қаҳрамон МУРОВОДОВ.

Масала кўндаланг қўйилади

МАОШ КЕЧИКМОҚДА

Меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси билан тартибга солиб туриш механизмининг такомиллаштиришга ва иш бeрyвчилар билан ёлланма ишчилар манфаатларининг муштарақлигига қаратилган ижтимоий шерикчиликнинг таъсирчанлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Шу боис жамоа шартномалари, тармок ва ҳудудий келишувлари қасаба уюшмалари ролини кўчaйтиришда муҳим омили ҳисобланади.

Тармокдаги жами 23 та юридик мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилган. Қўмитамизда маданий-маърифий ва спорт ишларининг кўлами кенгаймоқда. Айниқса, миллий кураш, катта теннис, аънавий спартакиадада иштирокчиларнинг сафи ортди. Биргина ўтган йилда спорт мусобақаларида 6433 нафар ходим I ва II босқич турларида қатнашди. Икки йилдири, корхона ва ташкилотларда республикамиз Мустақиллик байрамига бағишлаб «Она ва бола» курик-танлови ўтказилапти.

Меҳнат қилиб, унинг роҳатини кўриш ҳар бир

инсоннинг ҳуқуқи. Ишчи-хизматчиға ҳақ тўлашнинг энг кам миқдордаги кафолатларига кўра иш бeрyвчилар жавабгарлигининг мавжуд механизмининг юриштириш ҳамда иш ҳақини ва меҳнат тартиби шароитларига оид қонунчиликда белгиланган компенсация меъёрлари ўз вақтида ишлаб чиқилган. Бироқ «Муборакнефтьгаз»да бу миқдор 11480 сўм, «Шўртаннефтьгаз»да 13806 сўм, Қашқадарё электр тармоклари корхонасида 17125 сўм ва ҳоказо қилиб белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан жамоа шартномаларига иш

ҳақини ўз вақтида тўлаш бўйича қўшимчалар киритилди.

Бу борада муайян ташкилий ишлар амалга ошириляпти. Мисол учун иш ҳақи масаласи қасаба уюшма фаолларининг ўқув-семинар ййгилишларида атрофлича ўрганилди. Жойларда қасаба уюшма ташкилотлари билан ҳўжалик органлари қўшма мажлисларида муҳокама этилиб, чора-тадбирлар белгиланди. Бундан ташқари маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятларга мурожаат қилинди. Хусусан вилоят ҳокимининг молия ва иктисодий масалалар бўйича муовини номига хат ёзилди. Натижада дебиторлик 180 миллион сўм қарз вилоят қалпитал қурилиши бошқармасидан Талимаржон ИЭС қурилиш бошқармасига ундириб берилди. Қасаба уюшма ташкилотлари томонидан иш ҳақидан қарздорликни тугатиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бо-

шқарувиға 8 та, прокуратура органларига 4 та хат ёзилди. Бироқ ҳукуматимизнинг юқоридаги қарори баъзи жойларда бажарилмаяпти. Ходимларга ойлик иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаслик ҳоллари тармокдаги баъзи корхона ва ташкилотларда мунтазам мавжуд бўлиб қолмоқда. Мисол учун «Муборакнефтьгазтранс», «Муборакнефтьгазтаъмир», Муборак исиклик энергия маркази, Шўртангаз кимё мажмуаси, «Ўзбургунефтьгаз» АК, Шахрисабз электр тармокдаги «Қашқадарёнефтьгазсаноатқурилиш» корхоналарида иш ҳақидан қарздорликни қамайтириш борасида қилаётган ишлари талаб даражасида эмас.

Сафар ҲАМРОЕВ,
Ёқилги - энергетика, геология ва кимё sanoати ходимлари қасаба уюшма Қашқадарё вилоят қўмитаси раиси.



ДЕХҚОНБОД ТУМАНИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ТОГЛИ ХУДУДЛАРДАН БИРИ. ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА АХОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ҲАМДА ЯНГИ ИШ УРИНЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ БОРАСИДА ҚАТОР ҚИЙИНЧИЛИКЛАР БОР. БОЗ УСТИГА БАЗАН БЎЛИБ ТУРАДИГАН ҚУРОҚЧИЛИК ҚЎШИМЧА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ТУГДИРИШИ БЎ ГАП.

Масаланинг ана шу жиҳатларини эътиборга олиб, тумандаги мутасадди ташкилотлар ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ободонлаштириш ҳамда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасида дастур

АҲОЛИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

ишлаб чиқди. Унга кўра, қарийб 100 километр масофадан қувурлар орқали сув келтирилиб, 50 та қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжи қондирилди.

Шунингдек, кам таъминланган оилаларни ижтимоий Ҳимояга олиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш каби долзарб масалалар ҳам биринкетин ҳал этиляпти. Чунончи, туман марказида терини қайта ишлаш цехи ишга туширилиб, 50 нафар киши иш билан таъминланди. Бундан ташқари

65 ўринли тикиш-чицеҳи, 30 ўринли кичик ғишт ишлаб чиқариш заводи, машиналарни таъмирлаш устaxonалари, савдо шохбчалари ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айна пайтда туман маркази атрофидиға 15 та қишлоқни табиий газ билан таъминлаш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Режага кўра, бу юмуш қисқа муддатда, яъни шу йилнинг август ойи бошида ишга туширилиши кўзда тутилган.

Н.РАҲМОНОВ.

ИКТИСОДЧИЛАР СЕМИНАРИ

Андижонда «Евроосиё» жамғармасининг ташаббуси билан Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари иктисодчиларининг «Водийнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши» масалаларига бағишланган семинари бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари водийдаги вилоятларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш масалаларини чуқур ўргандилар. Шунингдек, иктисодий масалалар айрим тармоклар ва баъзи ташкилотлар мисолида ҳам кўриб чиқилди. Хусусий ҳамада кичик бизнеснинг ривожланиш кўрсаткичлари, тadbirkор ва фермерларга ёрдам кўрсатишга йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан танишдилар.

Анжуман қатнашчилари қишлоқ ҳўжалиги тармоклари ва хусусий секторнинг ривожланиши кўп жиҳатдан иктисодчилар малакаси ва тутган ўрниға ҳам боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор қаратди.

«Туркистон-пресс»

Ўзини шу юртинг ўғлони деб билган фарзанд борки, миллий армиямизда хизмат қилишни орзу қилади. Йигитларға хос мардлик ва фидоилигидини намойён этгиси келади. Истиклол йилларида ҳарбий хизматда бўлиш ҳар бир йигит учун, айниқса, улкан ва шарафли бурғи айланади.

Ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларимиз катта ўзгаришларға юз тутди. Бу муваффақиятлар, аввало, мамлакатимиз Президентини, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Ислам Каримов раҳнамолигида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқ.

Бугунги кунда мамлакатимиз шарҳларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли Ҳимоя қилишға қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва замон талабларига тўла жаваб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш - Ўзбекистон Республикасининг буюк келажакини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Қуролли Кучларда хизматни ўтатиш тизимини тубдан яхшилаш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берди. Ҳарбий хизмат нуфу-

зори, Ватан Ҳимоячиси обрўсини ошириш, хоржий мамлакатларда бўлганидек, шартнома асосидаги армияни яратиш, ҳарбий тайёргарликни ўтаган таркибни тайёрлаш ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтатиш муддатларини қисқартириш, қақирққ ошқоралигини таъминлаш, қақирққ комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Ушбу қимматли фикрлар Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунида тўлиқ инобатга олинди.

— Қонунда мавжуд ҳарбий хизмат тизими, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий вазифа ва механизмлари ҳамда давлат ҳокимияти органлари, ҳарбий бошқарма, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакатимиз Қуролли Кучларига яхши тайёргарликка эга ёшларни танлаш ва тайёрлаш бўйича ҳамкорлик йўналишлари баён этилган, — деди Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани мудофаа ишлари бўлими 2-бўлими бошлиғи, майор Командор Касаев. —

Раҳимов тумани Мудофаа ишлари бўлими ҳарбий хизматга бориш истагида бўлган ёшлар билан янада гаўжумлашган. Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан яхши тайёргарликка эга қақирққ ёшидаги йигитларгагина бундай бахт, насиб этади. Бу қақирққда туман бўйича 418 нафар йигит муддатли ҳарбий хизматга қақирққлади ва улардан тўқсон нафари са-

марали тарзда тўлдириш мақсадида қақирққ комиссиялари таркибиде «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, тақил долзарб масалалар ҳам биринкетин ҳал этиляпти. Чунончи, туман марказида терини қайта ишлаш цехи ишга туширилиб, 50 нафар киши иш билан таъминланди. Бундан ташқари

— Мен муддатли ҳарбий хизматга боришни жуда ҳам хоҳлайман, — дейди Тошкентнинг Қорақамиш даҳасида яшовчи Миржамол Тошмухамедов. — Мустақил ҳаётимдаги бу илк қадам, ўйлайманки, келгуси умр йўлимни белгилаб беради. Зеро, ҳарбий офицер бўлиб, юртимиз қорига яраш менинг энг олий ниятим.

— Мен ҳам офицер бўлишға астойдил бел боғлаганман, — деб дўстининг фикрини қувватлади Нуржон Бойжонов. — Мен ҳаво десанти қўшинларида хизмат қилишни истаймман. Қарийб барча кўрик ва синовлардан ўтдик, на-сиб этса, ниятимизға ета-миз.

Яна бир қақирққилувчи Андрей Дригин шундай дейди:

— Қақирққилувчи барча керакли тиббий анжом ва усқуналар билан таъминланган. Қақирққилувчилар юқори малакали тиббиёт мутахассислари томонидан зарур тиббий кўрикдан сифатли ва тезкорлик билан ўтказилмоқда. Бу ерда йигитларнинг нафақат соғлиғи ёки жисмоний

тайёргарлиги, балки ақлий салоҳияти, маънавий-маърифий билими ҳам кўриқдан ўтади.

Шу ўринда Президентимизнинг «Миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осейишта ҳаётимизнинг мустақам кафолатидир» китобидаги қуйидаги сатрлар ёдга тушади: «Армия сафларидеги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сирасорини пухта эгаллаган бўлиши, айна вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустақам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва афзалатлари билан ҳам қақирққилувчи туриши лозим».

Демак, бугунги қақирққилувчи пунктлариде олиб борилаётган сaъй-ҳаракатлар Қуролли Кучларимиз қудратини янада оширишға, миллий армиямизни халқимизнинг қақирққий таянчи ва суянчиға айлантиришға хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бехзод НОРБОВ,
ЎЗА мухбири

КОРИНГГА ЯРАСАК БАХТЛИМИЗ, ВАТАН!

ралаб олинади.

Шунингдек, янги Қонун-га биноан шу йилдан эътиборан муддатли ҳарбий хизматни ўташға лаёқатли ва кеқирққилувчи, хизматдан озод қилиниш ҳуқуқига эга бўлмаган, аммо Қуролли Кучларға навбатдаги муддатга қақирққилмаётган ёшлар сафарбарлик қақирққилувчи резервиға қўшилади.

Айна пайтда бу ерда фуқароларнинг Қуролли Кучлар сафиға қақирққилувчи юқори ташкилий савияда ўтказиш, қўшинлар таркибини ёшлар ҳисобига са-

ларни фаолиятда ошқораликни таъминлаш, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақирққилувчи қарор қабул қилишда ҳолисликни таъминлашға хизмат қилади.

Мустақил Ватанин билан фахрланиш, қорига ярашининг ҳис қилиб яшаш - улуг бахт. Ўзини Ватан хизматига шайлаётган, қалбларида миллий гурур туйғуси барқ ураётган ёшлар орасида бўлиб, улар билан суҳбатлашганимизда бунга яна бир қарак амин бўлдик.

Хабар

Хожа Абдуллох Фиждудовий таваллудининг 900 йиллигига

1.УЛ ПИРИ РАШОД

Хожагон тарикатининг асосчиси Хожа Жаҳон - Хожа Абдуллох Фиждудовий хазратлари 1103 йил Бухороий шарифнинг Фиждудон қасабасида таваллуд тогганлар. Отаси - зоҳирий ва ботиний илмлардан хабардор олим, Имом Молик насидан бўлган малатьялик Имом Абдулхамидир.

Илм таҳлили учун ёш Абдуллох хазратининг илгор уламиси Имом Садриддиндан таълим олади. Дарсларнинг бирида у Куръони каримнинг «Парвардигорингизга тазарру билан ичингизда (махфий) илти-килингиз! Зотан, У ҳаддан ошувчи кимсаларни (яъни эл кўзига курсатиш учун рибзорлик қилувчиларни) севмас» (Аъроф сура-си 7/55) маъноли оятнинг ботиний маъносини устозидан сўрайди: «Овоз чиқариб қилинган зикр атрофдагиларга эшитилмади, қалбдан қилинган зикри эса шайтон биллиб туради... Шундай ҳолда оятда айтилганидек яширинча дуо, яъни махфий зикрни қандай қилиш керак?». Устоз:

«Бу ладун илми (пайғамбар ва авлиёларга Аллох томонидан берилган илм)га оид масаладир. Агар истасангиз Ҳақ дўстларидан бири келиб сизга ўргатадими, дейди. Абдурахмон Жомий хазратларининг «Нафаҳот ул-унс» асарига эътиборини, аҳлуллоҳдан Хизр алайҳиссалом ёш Абдуллохнинг маънавий фарзандлиққа қабул қилади ва унга мазкур оятда айтилганидек, зикри қалбийни ўргатади. Бу зикр вазифини доимий равишда ба-жаришга одатланган Хожа Абдуллох улугъ фазлу футуҳларга эришадилар. Абдуллох Фиждудовийнинг зикр таълими бўйича устози Хизр алайҳиссалом бўлса, суҳбат ва хирқа пири машхур мутасаввиф Хожа Юсуф Ҳамадоний (вафоти 1140 йил) бўлган.

Ориф раббоний, шариат ва тарикат билимдони Имом Юсуф Ҳамадоний Бухороий шарифга ташриф буюрганларида 22 ёшлик Хожа Абдуллох ул зотининг суҳбатларидан баҳра-манд бўлиб, унга мурид бўлади. Хожа Абдуллохнинг тинимсиз ривозат билан машғул бўлса-да, ўз ҳолларини халқдан яширин тутадилар.

Юсуф Ҳамадонийнинг халифаларидан Хожа Аҳмад Яссавий хазратлари Ясси-га қайтаркан, устозининг васиятига биноан мурид-ларини Хожа Абдуллох Фиждудовийга топширадилар. Бухоро ва атрофдаги солиқларга муридлик қила бошлаган Хожа Абдуллохнинг муридлари сафи-га оддий халқ қатори кўп-кўп амалдорлар, хатто Бухоро ҳукмдорларидан Мухаммад Умар Садр ҳам қўшилди.

Хожа Абдуллох валийликда шундай мартабага эришадиларки, бир намоз вақтида Қазватуллоҳга бори қайтардилар.

Хожа Абдуллох хазратларининг обрў-мартабала-ри фақатгина Осий ҳудуди билан чекланмади. Шом дёврида ҳам ул зот ҳонақоҳ барпо этиб, муридлар тар-

ри бу сўзни рад этиб де-дилар: «Банданинг танлаш билан иши бўлмаслиги ке-рак. Қаерга бор десалар боради, қаерда бўл десалар, ўша ерда бўлади. Банданинг ҳам шу, сен айтганингдек эмас.

Бир дарвиш Хожадан сўрабди: «Ҳазрат, солиқларга шайтон ҳеч қўл сола оладими? Хожа Абдуллох: «Нафси фанонинг сиррига эришмаган солиқ газабланда шайтон унга қўл солади. Нафси фанонинг сиррига эришган солиқда эса газаб бўлмайди. Чунки унда ғайрат бўлади. Ғайрат бор жойдан эса шайтон албатта қочади. Бундай сифатга ўнг қўли-да Куръони карим ва чап қўлида пайғамбар алайҳиссалом суннатларини тутган, уларнинг машъали зиёси-да юрганларига эришадилар, - дея жавоб беради.

«Нафаҳот ул-унс»да ёзи-лишича, бир кун Хожа Абдуллохнинг хузурига на-вирон бир йигит келиб дуо талаб қилибди. Хожа дуо қилган, ҳалиги наважон кўздан ғойиб бўлибди. Утирганлар келган меҳмон-нинг кимлигини сўраганларидан, ҳазрат: «Инсон шак-лида келган бу йигит фа-ришта бўлиб, мақоми тўртинчи фалақда эди. Бир нуқсон тубайли мақоми-дан узоқлаштирилиб, дунё самосига тушган экан. Бошқа малаклардан: «Ҳақ таоло мени яна ўз мақо-мига қайтариши учун нима қилай?» деб сўра-ганида, бизга ҳавола қили-шибди. Дуойи хайр талаб қилди, дуо айлади, қабул бўлиб, яна эски мақомига эришди».

«Насойим ул-муҳаббат»-да ёзилишича, бир ниё-манд Хожа хазратларидан дуо сўрабди: «Хожа, бизга иймон дуоси билан мадад қилсалар, шояд бу шайтон тузоғидан иймонимизни са-лолат элтсак». Хожа Абду-ллох дебдиларки: «Бунинг чораси бор: инсон фарз амалларини доим адо этиб юрса, дуолари мақбул бўлаверади. Сен фарз бўлган амаллардан кейин доим бизни дуойи хайр билан ёд эт, биз ҳам сени ёд этамиз. Шунда сенинг ҳам, бизнинг ҳам дуоларимиз ижобат бўлур дея умид қиламиз».

Яна «Насойим ул-муҳаб-бат»да қайд этилишича, Хизр алайҳиссалом Хожа Абдуллохқа «ҳовузга шўнғиб, сув остида қалб-дан «Ла илаҳо иллолло, Мухаммадур расулуллоҳ» калимасини такрорлашни, яъни зикри қалбийни буюр-ганида, Хожа Абдуллох устоз айтганидек сув ости-да қалб зикрини бажара-ди. Шу зикр усули орқали Хизр алайҳиссалом Хожа Абдуллохқа хожагон су-лукида санокча рияз қилиш, яъни кейинчалик Баҳоуддин Нахшбанд то-монидан илова қилинган ву-куфи ададий асосини ўр-ғатади.

НОДИР ҲАСАН,
филология фанлари
номзоди.
(Давоми бор).

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури – амалда



ЗАМОНАВИЙ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

Маънан етук, жисмонан баркамол, билимдон ёш авлодни тарбиялаш, ўрта ва ўрта махсус ҳамда олий таълим жараёнига замонавий таълим технологияларини жорий этиш – бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади. Бунда барча қулайликларга эга бўлган замонавий касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш мўҳим рол ўйнайди.

Қарши туманидаги «Ков-чин» кишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежи иш бошлагани ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Билим даргоҳи бундан 2 йил олдин фойдаланишга топширилган. Ҳозирги пайтда бу ерда вилоятнинг Қарши, Шахрисабз, Яқкабоғ, Ғузор, Миришкор туманлари ва Қарши шаҳридан келган 620 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 59 нафар малакали ўқитувчи бухгалтерия, молия, агрономия, фермер-лик, ҳуқуқий ҳўжалик фаоли-

муи, лингафон кабинетлари хизматларидан фойдаланиш-моқда.

Коллежда ўқувчилар учун ҳавас қилса арзиғулик ша-роитлар яратилган. 4 минг китоб фондига эга шинам-гина кутубхона, бир неча номдаги республика ҳамда вилоят газеталари ва жур-наллари билан таъминлан-ган. Шуниси эътиборга ло-йикки, кутубхона фондиди бойитиш учун ички имкони-ятлардан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Чунончи, кол-леж ўқувчилари томони-дан ўқув жараёнида фой-даланиш учун турли фанлардан маъруза матна-ри тайёрланиб, нашр этил-ган.

– Ўқувчиларимизнинг етарли даражада билим олишлари ва касб маҳора-тини эгаллашлари учун кол-лежимизда барча шароитлар мавжуд, – дейди касба уюшма бошланғич ташкило-ти раҳбари Рустам Жаббо-ров. – Улар иккита ётоқхо-на, кутубхона, иккита ком-пьютер хонаси, спорт маж-

муи, лингафон кабинетлари хизматларидан фойдаланиш-моқда. Шунингдек, коллеж ўқитувчилари мазкур олий-гоҳларда ўз билим ва таж-рибаларини бойитишмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, коллеж ўқувчилари туман, вилоят фан олимпиадаларида му-ваффақиятли катнашмоқда-лар. Жумладан, ўтган йили адабиёт ва компьютер тех-нологияси бўйича фан олимпиадаларининг вилоят босқичида фахрли ўринлар кўлга киритилди. Волейбол жамоаси эса «Баркамол ав-лод» спорт мусобақалари-нинг вилоят миқёсидаги беллашувларида иштирок-этди.

Ш.СУЛТОНОВ,
К.ОЛЛОЕВОВ,
«Ишонч» муҳбирлари.

УЧИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК БОЛАСИ

ЮНЕСКО билан ҳамкор-ликда Қарши шаҳрида Рес-публика халқ таълими ва-зирлиги билан ЮНЕСКО-нинг Ўзбекистондаги вако-латхонаси ҳамкорлигида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактабгача таълим ходимларининг икки кунлик минтақавий се-минари бўлиб ўтди.

Анжуманда халқ таъли-ми вазирилик мактабгача таълим бошқармаси бош-лиги Х.Аҳмедованинг «Кадрлар тайёрлаш мил-лий дастури»нинг иккинчи босқичидаги асосий вази-фаларни амалга ошириш ва «Учинчи миңг йиллик-нинг боласи» таянч дасту-рини такомиллаштириш жараёнини амалиётда қўллаш мавзусидаги маъ-рузаси тингланди.

Семинар катнашчилари вилоятдаги «Надирабегим» боғча-гимназия ва «Се-мур» болалар боғчасида бўлиб, амалга оширилган ишлар, «Она ва бола» ме-тодик марказининг фаолияти билан танишди-лар.

Мактабгача таълим му-ассасаларида янги шакл-лардан фойдаланишга ба-ғишланган семинар ке-нгда илгор педагогик тех-нологияларнинг қўллани-ши, болаларда илқ ҳуқуқий, иқтисодий тушунарларни шакллантириш ва бадий адабиётлар воситасида уларнинг тафаккурини ри-вожлантириш мавзулари бўйича тренинглр ўтқа-зилди.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири.



«ПАХТАКОР» БАНГКОККА ҲОЗИРЛАНМОҚДА

Ва ниҳоят, узоқ танаффусдан сўнг Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўртоқлик учрашувини ўтказди. 2 апрел куни улар Минск шаҳрида Бело-

рус терма жамоасига қарши саф тортдилар. Таркиби асосан лиги-онерлардан ташкил то-пган термаимиз ўйини кўтаринки кайфиятда ўтказиб, 2:2 ҳисоби-да дуранга эришди. Биринчи бўлимнинг 26 дақиқасида мез-бонлар ҳужумчиси Максим Цигал-ков ҳисобни очган бўлса, унинг жамоадоши Ражков 52-дақиқада ҳисобни 2:0 га етказди. Бирок, футболчиларимиз ўзларини йўқ-тиб қўймадилар ва ҳужумга зўр бердилар. Натижада А.Хвостунов ҳамда А.Гейрих томонидан киритилган икки тўп ҳамюртлари-мизга мағлубиятдан қутулиш им-конини берди.

Миллий чемпионатимизда ҳам бир учрашув бўлиб ўтди. 3-тур-нинг кўчирилган ўйинида «Бухоро» ўз майдонида «Пахтакор»ни қабул қилди. Қизгин курашлар остида кечган баҳсда меҳмонлар 3:2 ҳисо-бида галаба қозонди.

Тўпларни «Пахтакор»-дан Бахтиёр Ҳамидуллаев ҳамда Миржалол Қосимов (2) киритди.

Шунингдек, Ўзбекистон кубогини ҳам бўлиб ўтди. Унда куйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» - «Самарқан» - 3:0; «Дўстлик» - «Нефтчи» - 1:2; «Кизилкум» - «Наваҳор» - 1:0; «Металлург» - «Сурхон» - 3:1; «Сўғдиёна» - «Зарафшон» - 4:1; «НВУ - Осий» - «Машъал» - 0:0; Чорак финал ўйинларида 9 апрел куни қуръа ташланади. «Қўқон» - 1912» ҳамда «Бухоро» жамоала-ри ўртасидаги жавоб учрашуви 8 апрел куни бўлиб ўтади.

А.ЮНУСОВ.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти мамлакатимизда фалсафа фани йўналишидаги билимларини кенг тарғиб этиш борасида бой таҳриба орттирган. Жамият саъй-ҳаракати билан таълиғига китоб ва монографиялар тайёр-ланди.

ИЗОҲЛИ ЛУФАТ

Бу нуфузли муассасанинг Республика фан ва технологиялар маркази билан ҳам-корлиги ҳам яхши на-тижалар бермоқда. Яқинда нашр этилган изоҳли луфат фикри-мизни тасдиқлайди.

«Миллий истиқлол гоёси: асосий тушун-чалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий луфат)» деб номланган мазкур кенг қамровли луфат китобида 200 га яқин атама, ибора, маълумот ва изоҳлар жамланди. Улар мил-лий истиқлол гоёсининг мазмунини тўла-роқ очишга хизмат қилади. Бундан ташқари нашрда Ўзбекистон тараққиёти, миллий истиқлол гоёси билан боғлиқ сўз, ибора ва атамалар ҳам ўз изо-ҳини топган. Луфатни «Янги аср авлоди» нашриёти босиб чиқарди.

Ўзбекистон касба уюш-малари Федерацияси Кенга-ши Курортлар бошқармаси жамоаси бошқарманинг хо-димлари бўйича етакчи мута-хассиси А. Славяга отаси **Мирзанур БАКИЕВ**нинг вафот этганлиги муноса-бати билан чуқур таъзия из-ҳор этади.

ЯНА КЕЛДИ «БОЙСУН БАҲОРИ»

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссия-си ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Мада-ният ишлари вазирилик, Ўзбекистон Фанлар академияси ва Бадий академиясининг тақлифига биноан Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 14-19 май кунлари Бойсунда анъа-навий «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивалини ўтқа-зиш тўғрисида фармойиш қабул қилди.

Маълумки, ўтган йили Бойсунда «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивали илқ бор ўтказилган ва дунёнинг кўп-гина мамлакатларидан келган музикашунослар, этнограф-лар, тарихчиларда улкан таассурот қолдирган эди. Дарҳа-қиқат, «Бойсун баҳори» - ўзига хос рамзий маънога эга бўлиб, у энг аввало, халқимизнинг асрлар давомида шакл-ланган, мамлакатимиз истиқлоли шарофати тубайли бутун дунёга юз очётган бетакор ва ранг-баранг озғани ижоди намуналари, бахшичилик санъати, халқ достонла-ри, маҳаллий ҳунармандчилиги, миллий либослари, қадим-ий урф-одат ва анъаналарини кенг намойиш этади.

Шу кунларда Бойсунда мазкур анжуманга қизгин тайёр-гарлик кўрилмоқда. Халқаро фестивалини юқори савияда ўтказиш, фестивал шарҳларини хижозлаш, бағрига миң-миңлаб томошабинни сиғдирадиган, «Алпомиш» стади-онини тартибга келтириш, фольклор дасталарини тайёр-лаш ишлари бошлаб юборилди.

Табиат ва биз

Саккиз йилдан буён баҳор фаслида Навоий шаҳридаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи-даги 12-гимназия-мактабида анъанавий «Гуллар-наваҳорим-сан, қушлар-беозоримсан» деб номланган қушлар байрами бўлиб ўтади.

ГУЛЛАР ВА ҚУШЛАР БАЙРАМИ

Бу йилги байрамда мактабнинг қирқ тўрт синфи ўқувчилари қат-нашди. Анъанавий кўрик-танлов экзпозицияларида мактаб маъму-рияти томонидан белгиланган етти хил йўналиш асосидаги шартларга алоҳида эътибор қаратилди. Булар, ҳар бир синфнинг ушбу байрамга атаб чиқарган деворий газеталари, ўқувчилар томонидан чизилган

расмлар, байрам композициялари, табиий, тирик қушлар сони ва хил-ма-хиллиги, махсус тайёрланган аль-бом, макет ва буклетлар, апп-ликациялар ҳамда ўқувчиларнинг қушлар овозига тақлид қила олиш маҳоратини аниқлашдан иборат эди. Танлов якунига қўра 7-синф ўқу-вчилари биринчилики эгаллади.

Кўрик-танловда вилоят педагоглар-ни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тингловчилари, шаҳар мактаблари ҳамда жамоатчи-лик вакиллари қатнашди. Иштирок-чилар фикрича, бундай тadbир бар-ча ўқув муассасаларида ўтказилиши зарур.

(ЎЗА).

2003 йил 28 мартдан бошлаб Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари ҳамда Ўзбекистон савдо, умумий овқатланиш, матдубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касба уюшмаларининг фаолияти тугатилиши ва иккала тармоқ касба уюшмаларини бирлаштириш негизда Ўзбекистон кичик, ўрта бизнес, матдубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касба уюшмаси ташкил этилиши муносабати билан барча давво ва талаблар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри
Амир Темура кўчаси, 60-а уй.

ISHONCH
Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**
Муассис: **Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси**

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсанбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотува эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.